

## Хорижий тиллардаги рекреатив кўрсатувларни тайёрлашга ёндашув (“Foreign languages” телеканали мисолида)

**Иркаева Нилуфар Хусанжон қизи**

Ўзбекистон Журналистика ва Оммавий

Коммуникациялар университети мустақил тадқиқотчиси

bek0304@bk.ru

+998977147787

### Аннотация

Замонавий тележурналистикада рекреативлик хусусиятининг оммалашishi, кўрсатувларда интерактив унсурларнинг ривожланиши сўнгги йилларда хорижий тиллардаги теледастурларнинг шакли ва мазмунида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Миллий телевидениеда ҳам ихтисослашган телеканаллардаги телеасарлар аудитория эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда интерактивлик ва ахборот, таълим йўналишларини интеграциялашуви орқали тайёрланиб эфирга узатилмоқда. Ушбу мақолада “рекреатив” тушунчаси, аудиовизуал журналистикада мазкур йўналишнинг долзарблиги ва чет тиллари тарғиботига бағишланган кўрсатувлардаги самарадорлиги “Foreign languages” телеканали мисолида таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** рекреатив кўрсатувлар, интерактив, хорижий тиллар, интеграция, кўнгилочар дастурлар

Бугунги кунда жамоатчиликнинг рекреатив характер устувор аҳамият касб этувчи телевидение, кино, интернет каби соҳаларга қизиқишлари ортиб бормоқда. Ўтган асрнинг 80-йилларида янгиликлар журналистикаси кенг ёйилган бўлса-да, кўнгилочар журналистика мавқеи кейинги йилларда кўтарилиб кетди. Миллий телевидение фаолиятини ҳам таҳлил қилар эканмиз, дастурларнинг 70-80 фоизи кўнгилочар йўналишда эфирга узатилаётганини кузатиш мумкин. (2,210) Рекреативлик бугун тележурналистиканинг муҳим вазибаларидан бирига айланиб улгурган десак, хато бўлмайди. Хусусан, А.Козиревнинг таснифига кўра телевидениенинг асосий вазибалари куйидагиларни қамраб олади:

- Ахборий вазифа;
- Маданий-маърифий вазифа;
- Интегротив вазифа;
- Ижтимоий-педагогик вазифа;
- Ташкилотчилик вазифаси;

- Таълимий вазифа;
- Рекреатив вазифа

Муаллиф рекреатив вазифага тўхталар экан, шундай таъриф келтиради: Рекреативлик – бу дам олиш, ҳордиқ чиқариш, куч-қувватни тиклаш демакдир. Журналистлар рекреатив йўналишдаги кўнгилочар дастурларни яратишда муҳаррир ёки бошловчи сифатида ўзлари ҳам иштирок эта оладилар. Бу гуруҳга хужжатли сериаллар ҳам киритилади. Бундай намуналарда томошабин қаҳрамонларнинг ҳаракатларини кузатиш, ҳис қилиш ва ўз фикрларини билдириш имкониятига эга бўлади.(3)

Шу ўринда, изоҳлаш лозимки, “рекреация” атамаси латин тилидан олинган бўлиб, recreatio – қайта тиклаш деган маънони билдиради. Рекреация дам олиш орқали инсоннинг маънавий ва жисмоний қувватини тиклаш ва ривожлантиришдир.(1,152)

Замонавий журналистикада рекреативлик муҳим йўналиш сифатида журналист тайёрлаётган материалнинг асосий хусусиятини ташкил этмоқда. Бу ўз навбатида, аудитория эҳтиёжлари билан боғлиқдир. Аудиовизуал журналистикада барча йўналишлар қатори хорижий тиллар тарғиботига бағишланган телеканалларнинг ҳам эфир сеткасида айнан кўнгилочар форматдаги дастурлар сони ортиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимадаги чет тилларига ихтисослаштирилган “Foreign languages” телеканалида 24 соат ичида намойиш этиладиган чиқишларнинг 60-70 фоизи таълимни мақсад қилган рекреатив телеасарлар ташкил қилади. Хусусан, телеканалнинг 11 июль 2024 йил санасида жами 8 та муаллифлик дастурлари ва 13 та хужжатли фильмлар эфирга узатилган.(5) Дастурларнинг асосий мақсади чет тилларини ўрганишни оммалаштириш ва тарғиб этиш бўлса-да, томошабинларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ижодий жамоа ҳар бир дастурга креатив ёндашишга ҳаракат қилган. Кун давомида “Good morning, Uzbekistan”, “Our pride”, “Master English”, “Friendship Land”, “IELTS secrets”, “Classic stories” каби ўзаро суҳбат, интервью ва қизиқарли шартлар асосига қурилган дастурлар томошабинлар эътиборига хавола қилинган. Умумий қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда телеканал ижодий жамоаси томонидан 20 дан ортиқ муаллифлик дастурлари тайёрланиб, улар жонли равишда ёки ўзаро мулоқот, интервью, ахборот ва ток-шоу йўналишларида намойиш қилиб келинмоқда. Қуйида уларнинг айримларини мазмуни билан танишиб чиқамиз.

Телеканал орқали деярли ҳар куни эфирга узатиладиган “Good morning, Uzbekistan!” дастурининг 02.02.2024 сони. Бошловчилар Сарвиноза

Абдухалилова ва Дониёр Ембергенов. Айнан шу лойиҳанинг таъсирчан ва самарадор бўлиши журналистлар, яъни телебошловчилар зиммасига нисбатан катта масъулият юклайди. Тўғридан-тўғри эфир вақтида бошловчилар икки соат давомида муҳокама қилинадиган мавзулар ҳақида кенг қамровли билимга эга бўлишлари, буни устига ташқи кўриниш, овоз каби нолисоний факторларга ҳам эътибор қаратишлари керак бўлади. Қолаверса, омма тез тушунадиган жонли тилда гапира олиш, суҳбат вақтини ҳисобга олиш, ҳаётий мисолларга мурожаат қилиш орқали фикрни исботлаш, турли тасвирий воситалардан, юмордан ўринли фойдаланиш, имо-ишора, муомаладаги самимийлик, экран орти техник ходимларнинг имкониятларини ҳам инобатга олган ҳолда шерик ҳамкасб билан келишиб дастурни олиб бориши лозимдир. Ёш жиҳатдан ўртача 20-25 ёш орасидаги дастур бошловчилари инглиз тилини пухта ўзлаштирганликлари, уларнинг сўзлашиш услуб ва оҳанглари билан турибди. Умуман олганда, дастур меҳмонлар билан ўзаро эркин, юморга бой диалоглар асосига қурилган. Бундан ташқари, салкам 2 ярим соатлик дастур давомида мусиқа йўналишининг бакалавр босқичида таълим олаётган талаба ёшлар ижросида чет тилидаги кўшиқлар ижро этилди. Эфир давомида тилларни ўргатиш билан боғлиқ турли саҳифалардан фойдаланилган. Ҳар хил соҳа вакиллари билан суҳбат, дарс шаклидаги маълум бир мавзу муҳокамаси. Хусусан, бу гал Парвина Норшодиева глобал экологик муаммоларни санаб, улар учун ечимларни таклиф этди. Охирида эса якуний хулоса берди. Бу ёндашув инглиз тилидан халқаро имтиҳонга тайёргарлик кўраётганлар учун “writing section” (“ёзиш бўлими”) ёки “speaking section” (“сўзлашув бўлими”)да ас қотиши турган гап. Бошловчилар томонидан “common sayings” (“кундалик ҳаётда ишлатиладиган умумий гаплар”)нинг ишлатилиши, контекст қараб қўлланилиши, маъноси тўғрисида маълумот берилди. Теледастурнинг тўртинчи чорак қисмида Асадбек Хусанбоев “Logistics industry” (“Логистика саноати”)нинг сир-асрорлари билан таништирди. Телеасарни томоша қилган кузатувчи нафақат инглиз тили бўйича билимларини мустаҳкамлаб олди балки шунчаки телеэкран қаршисида самарали ва мароқли вақт ўтказиш имконига ҳам эга бўлди.(5)

Телеканал ижодкорлари томонидан тайёрланадиган лойиҳалардан “Master English” томошабинларнинг луғат бойликларини ошириб, инглиз тилида сўзлашиш маҳоратларини оширишни мақсад қилган. Кўрсатув мазмунига кўра, ҳар гал мавзулар бўйича ташкил этиладиган 2,3 дақиқали кичик диалоглар намоиш этилади ҳамда суҳбат давомида ишлатилган гап ва бирикмаларнинг ўзбек тилидаги таржимаси ҳам бериб борилади. 22.11.2023да

намойиш этилган дастурда доимгидек, Севинч Қахрамонова бошловчилик қилган. Даставвал, ўтган сонда намойиш этилган “саёҳат” мавзусидаги диалоглардан 3 таси намойиш этилди. Ундан кейин, кўрсатувнинг асосий мавзуси ҳақида бошловчи маълумот берди ва “автобус ва автобус бекати” мавзуси билан боғлиқ турли ҳолатлар акс этган 10дан ортиқ диалоглар тақдим этилди. Ушбу кичик суҳбатлар талаба йигит-қизлар иштирокида МТРКга тегишли студияда тасвирга олинган. Ҳар бир диалогдан кейин унинг таржимаси ҳам кетма-кет бериб борилди. Дастурнинг яна бир фойдали томони шундаки, тилни ўрганишни бошлаганига кўп бўлмаганлар учун диалоглар билан бир вақтда уларнинг матн кўринишидаги субтитрлари ҳам намойиш этилади. Табиийки, бу тилни бошланғич даражада ўзлаштираётганларга қулайлик тақдим этади. Кўрсатувга ўзига хос интерактив усулдаги ёндашув лойиҳанинг янада ранг-баранглигини таъминлаб берган. Бу жиҳат эса, ўз навбатида дастурнинг тил ўрганишга қизиқмайдиган томошабинлар учун лойиҳанинг зерикарли бўлишини олдини олган.

Бугун инглиз тилини ўрганаётган ўзбек ёшлари учун махсус платформа яъни “телевизион клуб”га айланиб улгурган кўрсатув бу, “English club”дир. Ранг-баранг саҳифаларни қамраб олган ушбу лойиҳа тилни турли усуллар орқали томошабинга ўргатади. Кўрсатувда интервью, информацион хабар, суҳбат, диалог, анъанавий дарс каби йўналишлардан фойдаланиб, кузатувчиларга ҳам тил ўргатилади ҳам билим берилади. 05.11.2023 санада уч соат давом этган жонли эфирга Шохруҳбек Одилов ва Мафтуна Ражаббоевалар бошловчилик қилишади. Шу муддат давомида юқорида санаб ўтилган барча жанрлардан фойдаланилган. Даставвал, Мафтуна Ражаббоева информацион шаклда муҳим янгиликларни ўқиб берди. Хорижлик меҳмонлар билан суҳбат, интервьюлар бўлди. Камола Ҳасанова “IELTS speaking strategies” мавзусида дарс ўтди. Кун мавзуси саҳифасида Жасмина Сажриддинова Америка қитъаси билан боғлиқ фактларни бўлишди. Дастурнинг сўнгги учинчи соати давомида халқаро экспертлар жамоа шаклида Ўзбекистондаги фаолиятлари ҳақида ўзаро суҳбат қурдилар. Таъкидлаш лозимки, бошловчилар аудитория билан ишлаш, камера қаршисида ўзини тута билиш малакасини яхши ўзлаштиришган. Фақатгина Жасмина Сажриддинованинг тақдимида тайёргарлик етарлича бўлмагани сезиларли даражада билинади. Ёш мутахассис маълумотларни дафтардан ўқиб берди. Қолаверса, талаффуздаги камчиликлар, камера қаршисида ишончсизлик Жасминада журналистик маҳоратнинг етарли эмаслигини кўрсатиб қўяди. Тўғри, телеведениенинг афзалликларидан бири шундаки, телебошловчи

нутқининг таъсирчанлигини ошириш учун уни тўлдирувчи видеотасвирлардан фойдаланиш имконияти мавжуд. Бироқ ундан унумли фойдалана олиш ҳам журналист маҳоратига боғлиқ. Юқоридаги ҳолатда Жасмина Сажриддинова шу имкониятдан моҳирона фойдаланган ҳолда ўз хатоликларини беркита олган, ҳар ҳолда.

Шу ўринда қайд этиш керакки, чиройли ибора ва сўзларни қўллаган билан билан доим ҳам нутқ мантиқли, мазмунли бўлмаслиги мумкин. Жумлаларнинг грамматик жиҳатдан нотўғри тузилиши ва унда ишлатилган сўзларнинг нотўғри қўлланилиши мантиқнинг бузилишига олиб келади. Шунинг учун телевединида хоҳ журналист бўлсин, хоҳ диктор матнни ўқишдан олдин бир неча бор таҳлилий ва таҳририй назар билан кўриб чиққани маъқул, айниқса матн хорижий тилда бўлса.

Телеканалнинг навбатдаги қизиқарли кўрсатувларидан бири “Freindship Land” (“Дўстлик ороли”) деб номланади. Мазкур лойиҳа “conversation club” йўналишида яъни бир стол атрофида ёш йигит-қизларнинг маълум бир мавзу бўйича ўзаро суҳбат, интерактив ўйинлари асосига қурилган. Давомийлиги 30-40 дақиқани ташкил этади. Дастурнинг 2024 йил 20 февраль санасида тақдим қилинган кўрсатувда 5 нафар иштирокчилар, Азизхон Раҳимжонов, Азиз Турдиевлар меҳмон сифатида ҳамда лойиҳанинг доимий аъзолари Сарвиноз Абдуҳалилова, Асолатхон Қодирова, Муҳаммадали Носиржоновлар қатнашишди. Бу галги муҳокама учун “Мушуклар” мавзуси танланган. Дастлаб, ушбу жонивор ҳақида қизиқарли фактлар айтилди. Масалан, Буюк Британияликларнинг 70 фоизиди шахсий мушуклари борлиги, илк мушуклар Мисрда пайдо бўлгани, уйқуни хуш кўрувчи уй хайвонлари ўз умрларининг 70 фоиз қисмини ухлаб ўтказишлари, фазога учирилган ҳамда дунёдаги энг бой мушуклар тўғрисида бирма-бир маълумотлар келтирилди. Бундан ташқари, жаҳон ихтирочилари томонидан тўрт оёқли жониворлар учун яратилаётган янгиликларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Кўрсатувнинг иккинчи ярмида, одатга кўра, иштирокчилар қизиқарли ўйин ўйнашди. “True or False” (“Рост ёки ёлғон”) деб номланган ўйин шартларига кўра, қатнашувлар ўзлари ҳақидаги учта маълумотни айтишади. Қолган аъзолар, таъкидланганларни тўғри ёки нотўғри эканини ҳикоя қилувчининг имо-ишораларига таяниб тахмин қилишади. Шу орқали дўстлар гапириш қобилиятларини ошириш билан бирга, ўзаро янада яқиндан танишиш имконига ҳам эга бўлишади.

Дастурнинг 2024 йил февраль ойида эфирга узатилган яна бир сониди уч нафар катнашувчи иштирок этишди. Улар кўрсатувнинг доимий аъзолари Абдулахад Турғуналиев, Сарвиноз Абдуҳалилова, Асолатхон Қодировалар бўлишди. Томошабинлар билан саломлашиб олингандан кейин иштирокчилар тил кўникмаларини ошириш учун “Tongue twisters” (“Тез айтиш”)ни ким кўпроқ айтиш ўйинини ўйнашди. Дастурнинг иккинчи қисмида ҳам интерактив ўйин ташкил этилди. Бунда катнашувчилар кулоқчинлардан фойдаланишди. Ўйин шартларига кўра, бир киши кўшиқ жаранглаб турган кулоқчинни тақди. Иккала иштирокчилар эса, айнан шу шахсга инглиз тилидаги ҳар ҳил сўзларни айтишади. Ўз навбатида, кулоқчинни таққан ўйинчи оғиз ишоралар ва товушлар талаффузига қараб сўзларни топишга уриниб кўради.

Кўрсатувнинг бу галги сониди умумий ҳисобда учта ўйин ташкил этилди. Уларнинг охиргисига кўра, кўзни юмган ҳолда махсус қутича ичидаги предметларни ушлаб кўриб топиш шarti кўйилди. Лойиҳа давомида Эрталаб сув ичишнинг фойдали томонлари, инсон организмига ижобий таъсири ҳақида қисқача суҳбат бўлди.

“Friendship land” ўз номидан келиб чиққан ҳолда ёш йигит-қизларнинг ўзаро эркин суҳбатлари асосига қурилган лойиҳа. Кўрсатувнинг томоша қилиш жараёнида томошабин тилни пухта эллаган тенгдошлари билан ёнма-ён ўтирган ҳолда суҳбатлашаётгандек ўзларини ҳис этишлари мумкин. Сабаби мавзулар кўлами, қолаверса интерактив ўйинлар ҳам айнан жамиятимизнинг 15-25 ёшли вакиллари учун мўлжалланган. Бироқ бу билан кўрсатув аудиторияси ёш жиҳатдан чегараланган дейишдан йироқмиз. Ҳар қандай тил ўрганувчи дастурни кўриб, “speaking and listening skills” (“тапириш ва тинглаб тушуниш маҳорати”)ни ошира олади.

Комил Ёқубов муаллифлигида эфирга узатилаётган “Crosstalk” лойиҳаси ҳам ўзига хос форматда, инглиз тилидаги долзарб мавзулар муҳокамаси орқали томошабинларга ахборот бериб келади. Хусусан, дастурнинг бир сониди “Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича” DsC илмий даражасига эга тадқиқотчи олим, Мўмин Исомиддинов билан суҳбат боради. Мутахассис ушбу соҳанинг юртимиздаги ривожини, экспорт ва импорт жараёнида озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ хизмат турлари, жумладан, қадоклаш вақтида юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатлар ҳамда бу борадаги муаммолар ва ютуқлар, янгиликларга тўхталиб ўтди. Дастур юзма-юз суҳбат шаклида, маълум ахборотларга таянган ҳолда ташкил этилган бўлса-да, қизгин

муҳокама ва дебатларнинг мавжудлиги сабаб ҳам дастурни рекреатив йўналишда дея изоҳлаш мумкин.

Ҳозирги вақтда телеканал орқали яна “Our Pride”, “New Generation”, “Hi, nature”, “Future world” каби инглиз тилидаги, “Lehrer”, “Studentenleben” каби немис тилидаги ҳамда француз, рус тилларидаги рекреатив дастурлар эфирга узатиб келишмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнининг интерактивлик билан ўзора интеграциялашуви замонавий тележурналистикада муҳим саналади. Чет тилларини ўргатишни мақсад қилган телеасарда рекреативлик тақдим қилинаётган ахборотларни нисбатан осон қабул қилиниши, аудитория қамровининг кенгайиши ҳамда таъсир имкониятларини ошишини таъминлаб беради. Ўз навбатида, ижодкор мавзу, тасвир ва маълумотларни жамлаган ҳолда дастур жанрини аниқлаб олиши ҳам етарлича маҳорат талаб этади. Таълимий кўрсатувларни тайёрлаш жараёнида журналист фақатгина мукамал таҳлил ва аудиторияни ўрганган ҳолда зарур вазиятлардагина рекреативлик хусусиятларидан фойдаланса мақсадга мувофиқ саналади. Акс вазиятларда эса рекреативлик дастурнинг савиясиз ёки жиддийликдан узоқ, бачкана бўлиб қолишига сабаб бўлиб қолиши мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Елисева А.А. “основи рекреалогии”, Смоленск, 2011.
2. Каримов А., Н. Қосимова, К.Исмоилова, “Аудиовизуал журналистика”. 2019.
3. Собирова Ш. Рекреативликни замонавий журналистикада тутган ўрни. Илмий тадқиқот ва инновация кўп тармоқли илмий журнал. I сон, 2022.
4. Иркаева Н. “Qualification of journalists in specialized Tv Channels”. Critique Open Research and Review. № 05, 2024.
5. “Foreign languages” rasmiy telegram kanali.